



40704, Иштихон шаҳри, Иштихон ко'часи-4-уй
Тел.: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

140704, 2. Иштихан ул. Иштиханская д.4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

01/16 у.г «18» май

№ 1865-к

Иштихон ш.-г.Иштихан

“Қорақўйли” маҳалла фуқаролар йиғини Қорақўйли массивидан фуқаро Раззоков Исмаатга 2015 йилда намунавий лойиҳалар асосида қурилиши режалаштирилган уй-жойлар бош режасига асосан “Мини маркет” биносини қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Иштихон туманида 2015 йил намунавий лойиҳалар асосида қурилиши режалаштирилган уй-жойлар бош режасига асосан мини маркет биноси қурилиши бўйича вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2016 йил 23 майдаги 667-сонли хулосасини, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 25 майдаги 20-сонли далолатномасини ҳамда фуқаро Раззоков Исмаатнинг “Мини маркет” биносини қуриш учун ер майдони ажратиш беришни сўраб ёзган аризасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2016 йил 23 майдаги 667-сонли хулосаси маълумот учун қабул қилинсин, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси аъзоларининг 2016 йил 25 майдаги 20-сонли далолатномаси тасдиқлансин.
2. “Қорақўйли” маҳалла фуқаролар йиғини Қорақўйли массивидан фуқаро Раззоков Исмаатга 2015 йилда намунавий лойиҳалар асосида қурилиши режалаштирилган уй-жойлар бош режасига асосан “Мини маркет” биносини қуриш учун 500,0 (беш юз) кв.метр ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. Фуқаро Раззоков Исмаатга ажратилаётган ер майдони бўйича белгиланган тартибда лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва 6 (олти) ой муддатда ушбу қурилган биноларни фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.
4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (М.Азимов)га ажратилган ер майдонида “Мини маркет” биносини қурилишини лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ажратилаётган ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов